# ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ №2022-86-8-120-ОВ

«02 » март 2022 йил Шўрчи тумани

"Сурхон бестр строй" МЧЖ, бундан буён «Иш бажарувчи» деб аталувчи, рахбари Б.Холмуродов, Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва Шўрчи туман Ободонлаштириш бошқармаси , бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, рахбари Б.Менгбоев, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан куйидагилар тугрисида шартнома тузадилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1 «Иш бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан буюртма килинган иш хажмини бажариб беради, «Буюртмачи» эса иш хажми буйича бажарилган (хизматлар) ишларини кабул килиб, мазкур шартнома шартлари асосида туловларни амалга оширади.

| | (хизмат)лар номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Шўрчи туман Сауртепа махалласида жойлашган кўп каватли уйлар олдига хожатхона куриш ишлари | услуг | 1 | 74 646 847 | 74 646 847 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | **Жами** | | | | **74 646 847** |

## 2.Бажариладиган иш хажмининг нархи ва умумий киймати

2.1 Бажариладиган иш хажмининг умумий киймати Республикамиз миллий валютаси сумда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий суммаси 74 646 847 (Етмиш турт миллион олти юз қирк олти минг саккиз юз қирк етти) сумни ташкил килади.

2.3 Бажариладиган ишнинг киймати, нарх ошганлиги натижасида узгарганда, «Буюртмачи»га олдиндан хабардор килиб, узгарган нархини асослаган холда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага қўшимча келишувлар тузилиши асосида амалга оширади .

## 3. Тулов шартлари

3.1 Буюртмачи шартнома тулик кийматининг 30%и микдорда 10 банк кунида «Иш бажарувчи»нинг махсус хисоб ракамига (сумда) олдиндан туловни амалга оширади.

3.2 Тулик хизматлар (ишлар) бажарилгандан сунг бажарилган ишлар далолатномаси (хисоб фактура) асосида 10 банк кунида қолган 70% тулов «Иш бажарувчи»нинг махсус хисоб ракамига утказиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган такдирда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган иш хажмини бажармасликга хакли булади.

3.4 «Буюртмачи» туловларни бажарилган иш (курсатилган хизмат, акт далалатномаси, хисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чикмаган холда амалга оширилади.

## 4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чикмаган холда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган ишларни тўлиқ бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблаглари «Иш бажарувчи» нинг хисоб ракамига утказилгандан сунг 5 банк иш кунида шартномада курсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3 Бажариладиган иш хажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Буюртмачи» ва «Иш бажарувчи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида бюджет маблаглари доирасида узгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4.4. Шартномада курсатилган иш хажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сунг иш тулик бажарилган хисобланади.

## 5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 « Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

• Олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг, шартномада курсатилган иш хажмини бажаришни бошлайди.

• «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

• Иш жараёнида «Буюртмачи» аникланган камчиликларни уз вактида бартараф этиб боради.

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

• Бажарилган иш хажмини кабул килиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон кyздан кечиради ва унинг сифатига яроклилигига эътибор беради;

• Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз булса, «Буюртмачи» кабул килмасликка ва сифатсиз бажарилган иш кисмини кайтадан тулик, сифатли, бажариб беришини талаб килишга хакли булади.

• Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан тулик кабул килиб олингандан сунг «Иш бажарувчи»га шартномада курсатилган сумманинг колган кисмини тулик утказиб бериши шарт.

**6. Томонларнинг жавобгарлиги**

6.1. Томонлар шартномада курсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган такдирда Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодекс ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида»ги Конунининг асосан 25-32 бандлари буйича жавобгар буладилар.

6.2. Туловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.05% микдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган микдорда пеня тулайди.

6.3. Шартномада курсатилган иш хажмини уз вактида бажарилишини кечиктирганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.05% микдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган микдорда пеня тулайди.

6.4. Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан кабул килингандан кейин икки томоннинг келишувига биноан ___ ой муддатга жавобгарлик «Иш бажарувчи» томонида колади.

6.5 Шартноманинг амал килиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама узгартириш киритишга йул куйилмайди.

**7. Низоларни хал этиш тартиби**

7.1. Мазкур шартнома буйича томонлар шартларни бажармаган такдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни коплайди.

7.2. Томонлар уртасада шартномани тузишда, бажарилишида, узгартириш ва бекор килишда етказилган зарарларни коплашда юзага келадиган низолар огохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муросага келинмаганда Иктисодий Суд оркали хал килинади.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

8.1.Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши куршиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я'ни ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатлатга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва кушимчалар конуний кучига эга булади. Узгариш ва кушимчалар шартномага илова килиниши хам мумкин . Килинган илова икки томоннинг мухири ва имзоси билан тасдикланган булиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор килишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.

8.4.Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

**9. Форс- мажор**

9.1 Агар шартнома тузилгандан сунг икки томон уз мажбуриятларини гайри табиий холатлар , сув тошкини , ёнгин, ер кимирлаш ва бошка табиий офатлар сабабли бажарилмаса, хеч кайси томон тула ёки кисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар хисобланмайдилар.

**10. Шартноманинг амал килиш муддати**

10.1. Мазкур шартнома Газначилик булимида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва «31»декабр 2022 йилгача амалда булади.

10.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган булиб икки томон учун хам тенг кучга эга булиб банк хисоб-китобларини амалга оширишга асос булади.

**11. Томонларнинг юридик манзили**

| **«Иш бажарувчи»** | **«Буюртмачи»** |
| --- | --- |
| НОМИ: "Сурхон Бест Строй" МЧЖ | НОМИ: Шўрчи туман Ободонлаштириш бошқармаси |
| МАНЗИЛ: Шўрчи туман Бунёдкор махалла | НЗИЛ: Шўрчи туман Гофур Гулом кўчаси |
| Х\Р: 20208000505373755001 | Ш.Х.В: 100022860222267065200110004 |
| ИНН: 308380844 ОКОНХ____________ | ИНН:205782198 ОКОНХ_______ Б\К: 00014 |
| Б\К 01063 | Респ.Молия вазирлиги Ғазначилиги ИНН: 201122919 |
| НОМИ: Трастбанк Термез филиали | Тошкент шаҳар Марказий банки ҲККМ х/р: 23402000300100001010 |
| РАХБАР: Б.Холмуродов (имзо) (ф.и.о ) | РАХБАР__________ Б.Менгбоев |

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**23.02.2022 даги**

**Сурхон БЕСТ Строй МЧЖ ва Шурчи туман Ободонлаштириш бошкармаси ўртасида 74646847,00 сўм умумий суммага тузилган 2022-86-8-120-ОВ - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 110

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860222267065200110004.

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | **4332900** | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | 74 646 847,00 | | | 74 646 847,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **74 646 847,00** | | | **74 646 847,00** |

Жами 74646847,00 сўм

Етмиш тўрт миллион олти юз қирқ олти минг саккиз юз қирқ етти сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан ____________ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ _______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;
(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алока хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ________ (имзо) Менгбоев Бурон Хуррамович
Ф.И.Ш.

М.Ў.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI SHO'RCHI TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI

Буюртмачи бош бухгалтери ________ (имзо) Бердиева Ойгул Бердиевна
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ________________ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ________________ (имзо)

«___» март 2022й.

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «2» 3 2022-86-8-120-ОВ-сон Шурчи т.

Шўрчи туман Ободонлаштириш бошқармаси кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи рахбари Б.Менгбоев бир томондан ва "Surxon best Stroy" MchJ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи Рахбари B.Xolmurodov иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўз таваккалчилигига асосланган ва ўзининг ҳамда Буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг топшириғига асосан қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини Шўрчи туман Sourtepa маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйлар олдига Хожатхона қуриш ишлари учун, Буюртмачи эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси НДС билан 74 646 847 (Етмиш турт миллион олти юз қирқ олти минг саккиз юз қирқ етти)сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига қуйидагиларни олади:

2.3. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳо дастлабки бўлиб, сўнгги баҳо Пудратчи тақдим этган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3-бандида белгиланган тартибда қопланади.

## 3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади: Аванс тўлови ва бўлиб-бўлиб тўлаш

3.2. Тўлов шакли Тўлов топшириқномасига асосан

3.3. Шартнома бўйича сўнгги ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан сўнг, қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда, 60 (Олтмиш) кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

## 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАР

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни ишларнинг календар режасида белгиланган муддатларда бажаради (1-илова).

Кўриб чиқган юрист: BADALOVA OLIMA CHORSHANBIYEVNA. Ҳужжат рақами: NK5862240078

4.2. Буюртмачи қуйидаги муддатларда Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлайди: 60 кун

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати:

Бошланиши 2022 йил 28 феврал кунидан

Тугаши 2022 йил 31 декабр кунигача

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачига лойиҳа ҳужжатларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

лойиҳага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;

ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни қуриш;

ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

қурилиш майдончасида техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг қўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

қурилиш объектларининг суғурта қилинишини таъминлаш;

қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш

далолатномаси имзолангандан кейин 20 кунлик муддатда

қурилиш майдончасидан ўзига тегишли мол-мулкни олиб кетиш.

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда Пудратчига қурилиш майдончасини топшириш;

шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиб олиш.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузган тақдирда, айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган кун

учун шартнома баҳосининг фоизи миқдорида неустойка тўлайди.

6.2. Мазкур шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.

6.3. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончаси бўшатиб берилган санага қадар Пудратчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.5. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда томонлар Ўзбекистон Респуликаси амалдаги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва 1998-йил 29 августда қабул қилинган "Хўжалик юритувчи суб'ектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 25-ва 32-моддалари (ва бошқа тегишли моддалари)асосида жавобгарликка тортиладилар

## 7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

7.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 6 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо- саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан

якка тартибда кўриб чиқилади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий ҳисобланади.

**9. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:**

| | |
|---|---|
| Пудратчи: | Буюртмачи: |
| **"Surxon Best Stroy" MCHJ** | Шўрчи туман Ободонлаштириш бошқармаси |
| Ҳисоб-китоб рақами 20208000505373755001 | Ҳисоб-китоб рақами |
| СТИР:308380844 МФО: 01063 | Шхр:100022860222267065200110004 |
| ***Раҳбари:*** ***Б.Холмуродов*** | СТИР:205782198 |
| | **Бошлиғи:** **Б.Менгбоев** |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: NK5862240078

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi. Shartnoma.

2.Loyihaning nomi. "Surxon best story" m.ch.j bilan tuzilgan pudrat shartnomasi

3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot.

Buyruq loyihasi Sho‘rchi tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o‘tkazish uchun 28.02.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz boshyuriskonsulti** **O.Badalova**

**02.03.2022 yil**